

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2019 йилнинг январь-июнида республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 4765,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 187,6 фоизни ташкил қилди, шундан хорижий инвестициялар 1984,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | яқунга нисбатан фоиз |
|--|----------|-----------------------|----------------------------|
|--|----------|-----------------------|----------------------------|

Асосий капиталга киритилган инвестициялар

4765,9

187,6

100,0

шу жумладан:

Марказлашган инвестициялар:

1690,6

6,0 м.

35,5

Бюджет маблағлари

587,1

9,0 м.

12,3

Сув таъминоти тизимларини
ривожлантириш жамгармаси

33,9

13,5 м.

0,7

Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари

220,0

126,9

4,6

Жисмоний тарбия ва спортни
ривожлантириш фонди маблағлари

14,7

-

0,3

Ҳукумат кафолати остида чет эл
кредитлари

834,9

19,8 м.

17,6

| | <i>млрд.сўм</i> | <i>ўсиш суръати, %</i> | <i>яқунга нисбатан фоиз</i> |
|--|-----------------|--------------------------------|-------------------------------------|
|--|-----------------|--------------------------------|-------------------------------------|

| | | | |
|---|---------------|--------------|-------------|
| Марказлашмаган инвестициялар: | 3075,3 | 147,1 | 64,5 |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 985,4 | 111,2 | 20,7 |
| аҳоли маблағлари | 650,9 | 192,0 | 13,6 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 1149,4 | 3,0 м. | 24,1 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 289,6 | 58,5 | 6,1 |

**2019 йил январь-июнига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
технологик таркиби**

| | <i>жами</i> | <i>давлат</i> | <i>нодавлат</i> |
|--|---------------|---------------|-----------------|
| Жами, млрд. сўм | 4765,9 | 904,9 | 3861,0 |
| <i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i> | | | |
| қурилиш-монтаж ишлари | 2337,8 | 832,7 | 1505,1 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари | 2335,9 | 47,9 | 2288,0 |
| Бошқа харажатлар | 92,2 | 24,3 | 67,9 |

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан қурилиш-монтаж ишларининг улуши 7,0 фоизли пунктга камайганлиги, машина,

ускуналар, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари қиймати улуши 20,3 фоизли пунктга ошгани ва бошқа харажатларнинг улуши 13,8 фоизли пунктга камайганини кўрсатмоқда.

2019 йил январь-июнь ойларида марказлаштирилган молиялаштириш манбаларига 1690,6 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилиб, бу кўрсаткич жами инвестицияларнинг 35,5 фоизини ташкил этди, бу ўтган йилнинг январь-мартига нисбатан деярли (596,8) 5,9 баробар кўпдир. Ҳисобот даврида марказлаштирилмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3075,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди (жамига нисбатан улуши 64,5 %) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35,5 фоизга камайди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига 985,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар жалб қилинди ёки жами инвестицияларнинг 20,7 фоизи ўзлаштирилди. Аҳолининг маблағлари ҳисобидан 650,9 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, жами инвестициялар ҳажмининг 13,6 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида 849,9 млрд. сўмлик хорижий кредитлар ажратилди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 баробар кўпдир ва жами инвестицияларнинг 17,6 фоизини ташкил этди.


Шу билан бирга, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 289,2 млрд. сўм маблағлар киритилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6,1 %), бу ўтган йилга нисбатан 41,5 фоизли пунктга камайган, тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 1149,4 млрд. сўм (умумий ҳажмининг 24,1 %), ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 300,2 % га ошган), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 220,0 млрд. сўм (улуши 4,6%), Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 33,9 млрд. сўм (умумий ҳажмдаги улуши 0,7%) ва Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 14,7 млрд. сўм ёки асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 0,3 фоизи миқдорида инвестициялар киритилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция ва кредитлар


Ҳисобот даврида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 435,6 млрд. сўм электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 222,9 млрд. сўм қишлоқ, урмон ва балиқчилик хужалиги фаолият турига, 133,8 млрд. сўм тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашга ҳамда 222,9 млрд. сўм уй-жой қурилишига тўғри келди.

2019 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 32,8 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 5,8%) электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турига, 10,1 фоизи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият турига (ўтган йилнинг мос даврида 37,2 %), 16,8 фоизи уй-жой қурилишига (ўтган йилнинг мос даврида 29,8%), 4,9 фоизи ташиш ва сақлашга (ўтган йилнинг мос даврида 6,5%), 16,8 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига (ўтган йилнинг мос даврида 2,3%), 1,3 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 4,3%) улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлашга ва 2,6 фоизи қурилиш иқтисодий фаолият турига тўғри келди (ўтган йилнинг мос даврида 2,9%).


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестиция ва кредитлар**
(январь-июнь ойларида, умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



**2019 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби**



**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга
киритилган инвестициялар, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



**2019 йил январь-июнь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

| | <i>Киритилган инвестициялар, млрд. сўм</i> | <i>Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %</i> | <i>Умумий ҳажмдаги улуши, %</i> |
|---|--|---|---|
| Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан | 4765,9 | 187,6 | 100,0 |
| Республика бюджети | 587,1 | 9,0 м. | 12,3 |
| Сув таъминоти тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 33,9 | 13,5 м. | 0,7 |
| Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси | 14,7 | - | 0,3 |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 220,0 | 126,9 | 4,6 |
| Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган чет эл кредитлари | 834,9 | 19,8 м. | 17,6 |
| Корхоналар маблағлари | 985,4 | 111,2 | 20,7 |
| Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 289,2 | 58,5 | 6,1 |
| Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 1149,4 | 3,0 м. | 24,1 |
| Аҳоли маблағлари | 650,9 | 192,0 | 13,6 |

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг энг юқори ўсиш суръатлари Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар бўйича 19,8 баробарга, шунингдек Республика бюджети маблағидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати 899,0 фоизга ошган. Бу Қорақалпоғистон Республикасида Шурбулок сув омбори қурилиши, Тахиатош иссиқлик электр станциясида йирик инвестицион лойиҳа — ҳар бири 230-280 МВт қувватга эга бўлган иккита газ-буғ ускуналарининг қурилиши билан боғлиқ.

**Январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган
инвестициялар, млрд. сўм**

| | 2018 й. | 2019 й. | 2018 йилга нисбатан, фоиз ҳисобида | жами инвестициялардан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми, минг АҚШ долл. |
|---|---------------|---------------|---|--|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2091,1 | 4765,9 | 187,6 | 133247,1 |
| Нукус ш. | 504,0 | 695,2 | 113,0 | 20905,0 |
| <i>туманлар:</i> | | | | |
| Амударё | 64,2 | 88,7 | 116,8 | 924,5 |
| Беруний | 189,0 | 560,4 | 2,4 м. | 50159,0 |
| Қонликўл | 31,4 | 72,2 | 190,5 | 1229,2 |
| Қораўзак | 150,8 | 194,9 | 105,1 | 1668,0 |
| Кегейли | 41,8 | 47,4 | 100,9 | 311,0 |
| Қўнғирот | 368,8 | 453,9 | 100,3 | 27225,3 |
| Мўйноқ | 177,0 | 532,6 | 2,4 м. | 2485,9 |
| Нукус | 41,0 | 157,7 | 3,3 м. | 5788,0 |
| Тахиатош | 267,7 | 992 | 3,0 м. | 642,8 |
| Тахтақўпир | 33,8 | 42,2 | 109,0 | 216,0 |
| Тўрткўл | 43,4 | 313,6 | 6,0 м. | 1203,0 |
| Хўжайли | 32,5 | 200,5 | 5,4 м. | 6059,0 |
| Чимбой | 36,8 | 128,5 | 2,9 м. | 10416,8 |
| Шуманай | 25,3 | 37,7 | 123,3 | 46,0 |
| Элликқалъа | 83,60 | 248,4 | 2,4 м. | 3967,6 |


2019 йил январь-июнь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм

| | Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами, млрд. сўм | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | | | |
|-------------------------------------|---|---|-------------------------|-------------------|-------------------------------------|---|
| | | респуб-лика бюджети | корхона-лар маблағ-лари | аҳоли маблағ-лари | хорижий инвести-циялар ва кредитлар | Хукумат кафолати остидаги чет эл кредитлари |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4765,9 | 587,1 | 985,4 | 650,9 | 1984,3 | - |
| Нукус ш. | 695,2 | 178,4 | 194,6 | 64,5 | 177,4 | - |
| <i>туманлар:</i> | | | | | | |
| Амударё | 88,7 | 10,6 | 22,4 | 36,7 | 8,2 | - |
| Беруний | 560,4 | 12,0 | 8,2 | 108,9 | 420,3 | - |
| Қонликўл | 72,2 | 14,4 | 22,4 | 14,4 | 10,3 | - |
| Қораўзак | 194,9 | 12,5 | 100,7 | 7,5 | 30,1 | - |
| Кегейли | 47,4 | 11,3 | 7,7 | 17,2 | 2,6 | - |
| Қўнғирот | 453,9 | 19,0 | 127,1 | 27,1 | 228,0 | - |
| Мўйноқ | 532,6 | 14,1 | 433,8 | 29,6 | 20,8 | - |
| Нукус | 157,7 | 23,4 | 5,4 | 66,4 | 49,6 | - |
| Тахиатош | 992 | 8,2 | 11,4 | 10,2 | 743,0 | - |
| Тахтакўпир | 42,2 | 7,4 | 2,5 | 25,9 | 0,2 | - |
| Тўрткўл | 313,6 | 218,3 | 10,5 | 63,7 | 10,1 | - |
| Хўжайли | 200,5 | 10,3 | 11,4 | 118,1 | 50,8 | - |
| Чимбой | 128,5 | 14,6 | 9,1 | 12,1 | 87,3 | - |
| Шуманай | 37,7 | 11,4 | 6,6 | 7,4 | 0,4 | - |
| Элликқалъа | 248,4 | 21,2 | 11,6 | 41,2 | 143,6 | - |

давоми

| | Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами, млрд. сўм | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | | |
|-------------------------------------|---|--|--|----------------------------------|--|
| | | Сув таъми-ноти тизим-ларини ривожлантириш жамгармаси | Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамгар-маси | Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси | тижорат банклари кредит-лари ва бошқа қарз маблағ-лари |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4765,9 | 33,8 | 14,8 | 220,0 | 289,6 |
| Нукус ш. | 695,2 | 4,6 | - | 18,5 | 93,6 |
| <i>туманлар:</i> | | | | | |
| Амударё | 88,7 | 0,6 | - | - | 10,2 |
| Беруний | 560,4 | 3,0 | - | - | 8,0 |
| Қонликўл | 72,2 | 4,1 | - | - | 6,5 |
| Қораўзак | 194,9 | 1,1 | - | - | 43,0 |
| Кегейли | 47,4 | 2,1 | - | - | 6,5 |
| Қўнғирот | 453,9 | 0,1 | - | - | 16,0 |
| Мўйноқ | 532,6 | 3,5 | 14,8 | - | 16,0 |
| Нукус | 157,7 | 0,3 | - | - | 12,7 |
| Тахиатош | 992 | 1,5 | - | 201,5 | 16,2 |
| Тахтакўпир | 42,2 | 1,5 | - | - | 3,1 |
| Тўрткўл | 313,6 | 1,8 | | | 9,3 |
| Хўжайли | 200,5 | 3,7 | - | - | 6,2 |
| Чимбой | 128,5 | 2,5 | - | - | 2,9 |
| Шуманай | 37,7 | 2,9 | - | - | 9,0 |
| Элликқалъа | 248,4 | 0,5 | - | - | 30,4 |

Январь-июнь ойларида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар, жамига нисбатан фоиз ҳисобида



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 3861,0 млрд. сўмлик асосий капиталга инвестициялар киритилган бўлиб, жами инвестициядаги улуши 81,0 фоизни (2018 йил январь-июнига нисбатан улуши 87,0 фоиз) ташкил қилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2019 йил январь-июнь умумий майдони 768,9 минг кв.м. бўлган 5043 та уй-жой (2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 224,2 фоиз) шу жумладан қишлоқ жойларида 483,0 минг кв.м, 3111 уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 676,9 млрд.сўми ёки 14,2 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.


Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари қурилишида 87,3 млрд. сўм атрофида инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 7,7 фоизини ташкил қилади. Хисобот даврида 380 уринга мулжалланган болалар богчаси ишга туширилди, жумладан Қораўзак тумани “Есимузак” ОФЙ да жойлашган 160 уринлик янгидан, ва Чимбой ҳам Хужайли туманларида жами 220 уринлик болалар богчалари қайта таъмирланиб, ишга туширилди.

Соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида 46,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,2 фоизини ташкил қилди.


Қурилиш фаолияти. 2019 йил январь-июнида 1855,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 144,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,9 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 12,5 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 17,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 73,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Корхоналар турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм



Жами қурилиш-пудрат ишлари таркибидаги “Бино ва иншоотлар қурилиши” фаолият тури бўйича 1296,8 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,7 фоизли пунктга ошди. Шунингдек, “Фуқаролик объектлари қурилиши” фаолият тури бўйича 232,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,4 фоизли пунктга купайди. “Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари” фаолият тури бўйича 326,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 11,0 фоизли пунктга ошди.


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Жами қурилиш ишлари ҳажмида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш ишлари ҳажми 1369,3 млрд. сўмни ташкил этди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 485,9 млрд. сўмни ташкил этди.

2018 йил январь-июнь ойларига нисбатан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуrolлантириш ишлари 3,1 фоизли пунктга ошди. Капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ҳажми эса 0,9 фоизли пунктга камайди.

Қурилиш ишлари турлари бўйича
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)




2019 йил январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича
қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм

| | 2018 йил | 2019 йил | 2018 йилга нисбатан, % ҳисобида |
|-------------------------------------|---------------|---------------|---------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1054,8 | 1855,2 | 144,6 |
| Нукус ш. | 381,5 | 554,3 | 115,7 |
| <i>туманлар:</i> | | | |
| Амударё | 115,2 | 161,3 | 112,8 |
| Беруний | 58,7 | 150,0 | 223,2 |
| Қонликўл | 17,5 | 23,2 | 112,0 |
| Қораўзак | 21,5 | 36,8 | 135,8 |
| Кегейли | 15,3 | 36,5 | 199,0 |
| Қўнғирот | 132,6 | 170,7 | 102,5 |
| Мўйноқ | 10,9 | 22,5 | 177,1 |
| Нукус т. | 36,1 | 99,4 | 237,2 |
| Тахياتош | 32,4 | 64,5 | 158,3 |
| Тахтакўпир | 33,7 | 85,3 | 206,7 |
| Тўрткўл | 70,8 | 146,5 | 172,3 |
| Хўжайли | 35,3 | 144,2 | 364,0 |
| Чимбой | 20,3 | 37,6 | 149,1 |
| Шуманай | 17,6 | 25,5 | 116,4 |
| Элликқалъа | 55,4 | 96,9 | 145,1 |

2019 йил январь-июнь ойларида республика бўйича қурилиш ишлари ҳажмида Нукус шаҳри (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 29,9 %), Қўнғирот (9,2 %) ва Амударё (8,7 %) туманлари юқори улушларга эга.


Шунингдек, республика миқёсида қурилиш ишлари ҳажмида энг паст улушлар Шуманай (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши (1,4 %), Қораўзак (2,0 %), Кегейли (2,0 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-июнь ойларида қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари



Ҳисобот даврида бажарилган қурилиш ишларининг юқори ўсиш суръати Мўйноқ (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 177,1 %), Нукус (237,2 %), Хўжайли (364,0 %) ва Кегейли (199,2 %) туманларида кузатилди.


**2019 йил январь-июнь ойларида корхоналар турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**



Йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг юқори кўрсаткичлари Қўнғирот (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 62,7 %), Тахياتош (43,9 %) туманларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида Қораўзак, Мўйноқ, Нукус, Чимбой ва Шуманай туманларида қурилиш фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхона ва ташкилотлар мавжуд эмас.

**Шаҳар ва туманлар кесимида қурилиш ишлари улуши,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Ҳисобот даврида қурилиш ишлари бажариш ҳажмида энг катта улуш Нукус шаҳри (республика бўйича жами қурилиш ишлари ҳажмининг 29,9%), Хўжайли (7,8 %) Тўрткул (7,9 %), туманлари ҳиссасига тўғри келади.